



ШАРАФЛИ ХИЗМАТГА ЙЎЛЛАНМА

РЕПОРТАЖ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ олий таълим муассасаларида билим олиб, жойларда хизмат қилаётган офицерлар юртимизда тинчлик, осойишталикни сақлаш, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш, жамоат хавфсизлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Анга-нага биноан олий билим даргоҳларини битирган ёшларга диплом топширилиб, жойларда хизмат қилиш учун йўланма берилди. Ана шундай тантанали маросим ИИВ Академиясида ҳам бўлиб ўтди. Шу кунги ушбу нуфузли олий таълим муассасасида Олий академик курслари битирувчиларига ҳам диплом топширилди.



Академиянинг саф майдонида қоматини тик тутиб турган йигит ва кизларни кўриб ҳавас қиласиз. Бир томонда битирувчиларнинг ота-оналари, яқинлари қўлларида гулдаста билан тантанани кузатиб туришибди.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Баҳодир Матлюбов, ИИВ Академияси бошлиғи, полковник Александр Якубов, Академия раҳбарлари, меҳмонлар минбарга кўтарилишди. Тантанани ИИВ Академияси бошлиғи, полковник А. Якубов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг битирувчиларга лейтенант унвони бериш ҳақидаги буйруқ ўқиб эшиттирилди.

Академия битирувчилари ва Олий академик курсларини тамомлаганларга диплом топшириш маросими бошланди. Ички ишлар вазири, генерал-лейтенант Б. Матлюбов ўқишни аъло баҳоларга битирган бир гуруҳ йигит ва кизларга имтиёзли дипломлар топширди.

Дипломлар топшириб бўлингач, республика Ички ишлар вазири генерал-лейтенант Б. Матлюбов Академия битирувчилари ва Олий академик курслари тинг-

ловчиларини қизғин қутлаб, жумладан шундай деди:

— Юртимизда тинчлик ва осойишталикни сақлаш борасида сиз, ёш офицерлардан катта масъулият, билим, тажриба, мардлик, жасорат талаб этилади. Ишонамизки, сизлар ўқиш давомида олган билимларингиз билан Ватан, халқ олдидаги бурч ва вазифангизни аъло даражада бажа-

риб, етук кадр сифатида ўзингизни намоён этасиз.

Академия профессор-ўқитувчилари номидан сўз олган, полковник И. Исмоилов мутахассислик дипломини олган йигит ва кизлар тўрт йил давомида олган билимларини хизматда қўллаб, ички ишлар идораларининг фидойи офицерлари қаторидан ўрин олиб, билим ва тарбия берган

устозлар ишончини қозонишларида катта муваффақиятлар тилади.

Табрик сўзлари тугагач, битирувчилар, Академия тингловчилари шахдам қадамлар билан сафдан ўтишди. Оркестрнинг миллий ва марш муסיқаларини чалиб, майдонда кўргазмани чиқишини йиғилганлар қарсақлар билан олқишлади.

(Давоми 3-бетда).

УШБУ
СОҲБА:

ҚОНУН

ҲУҚУҚ

КАФОЛАТИ



МАЪРИФАТ ДАРСИ

ЎЗБЕКИСТОН
УМУМИЙ
УЙИМИЗ

ПРОФИЛАКТИКА ХИЗМАТИ

ДОИМО
БОЛАЛАР
ОРАСИДА

СПОРТИМИЗ ЮЛДУЗЛАРИ

ШАВКАТНИНГ
ШАВКАТЛИ
ЙЎЛАРИ

ҲАМКОРЛИК – ЮТУҚ ГАРОВИ

Андижонлик ғаллакорлар мамлакатда биринчи бўлиб давлатга дон тайёрлаш бўйича жорий йил шартномасини бажардилар. Улар давлат омборига 180 минг 674 тонна ғалла етказиб беришди. Эътиборли томони, 240 минг тонна бугдой фермерлар ҳисобида қолди.

Юртимизда ғалла мустақиллиги борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ижобий натижа бермоқда. Айниқса, ернинг фермерлар ихтиёрига топширилиши, ерга эгалик ҳиссининг оширилгани кўзланган мақсадга эришишда муҳим омил бўлмоқда. Избоскан туманидаги «Шарқ юлдузи келажиги», Асака туманидаги Абубакир Баҳодир номли

фермер хўжаликлари нафақат вилоят, балки республикада ҳам юқори кўрсаткичларга эришаётгани сўзимизнинг исботидир. Улар бу йилги мавсумда ҳам фаол иштирок этиб, ҳар гектар майдондан 62,1 центнердан ҳосил олишга муваффақ бўлишди.

— Ғаллакорларимиз эришган ғалабада ички ишлар ходимларининг ҳам му-

носиб ҳиссаси бор, — дейди биз билан суҳбатда «Ҳосил — 2009» штаби бошлиғи, вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Алишер Ҳошимов. — Бу йилги мавсумда профилактика, йўл-патруль ва ёнғин хавфсизлиги хизматлари ходимлари фаол иштирок этишди. Улар ғалла майдонларида ёнғинларнинг олдини олиш, техника хавфсизлигини таъминлаш ва бошқа кўнгилсизликларга барҳам бериш борасида пухта режа асосида фаолият юритишди.

Таъкидлаш жоизки, мавсум бошланишидан олдин вилоят ИИБда махсус штаб тузилди. Унга тажрибали ва зим-

масидаги вазифага масъулият билан ёндашадиган ходимлар жалб этилди. Режага биноан вилоят миқёсида 200дан зиёд назорат масканлари фаолияти йўлга қўйилди. Бу жойларда ходимлар кечаю кундуз хизмат қилишяпти. Штаб томонидан ғаллазорларимизда олиб борилаётган ишлар мунтазам кузатиб борилмоқда. Илғор иш услублари кенг жорий этилиб, юзага келган муаммолар ўз вақтида бартараф этилаяпти. Бу борада маҳалла фаоллари ва посбонларининг кўмаги айниқса, катта бўлмоқда.

Шунингдек, Сурхондарё, Бухоро, Хоразм ва Қашқадарё вилоятлари ғаллакорлари ҳам шартнома режасини бажаришди. Айни пайтда ғаллазорларда ўрим-йиғим давом этаяпти.

Ўз мухбиримиз.

«ҒАЛЛА — 2009»

ЎЗБЕКИСТОН

ҲАФТА ИЧИДА

● **Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов** жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 2 июль куни Наманган вилоятида бўлди. Бу ерда мамлакатимиз раҳбари фермерлар, қишлоқ хўжалиги соҳасига ихтисослашган олимлар ва вилоят фаоллари билан учрашди. Шунингдек, Юртбошимиз ҳарбий қисмлардан бирида бўлиб, аскарлар ва офицерлар билан суҳбатлашди. Бу ердаги шароит, ўқув машғулотлари жараёни, ҳарбийларнинг жанговар ва жисмоний тайёргарлиги билан танишди.

● **Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Деворбон материаллар ишлаб чиқаришни кўпайтиришни рағбатлантириш ва сифатини яхшилаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори матбуотда эълон қилинди.**

● **Кувайтнинг «Мусаид Бадр ал-Сайир» нашриётида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китоби араб тилида нашр этилди.** Шунингдек, мамлакатнинг «ал-Ватан», «ал-Қабас», «ал-Сиёса», «ал-Раъй», «ал-Рўъя» каби нашрларида ҳам ушбу асар ҳақидаги шарҳ ва мақолалар чоп қилинди.

● **Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикасининг Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти фаолиятига оид қонунчилигининг ижросига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирлик ва идоралар, жамоат, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди. Конференцияда Ўзбекистон Қизил ярим ой жамияти фаолиятини янада такомиллаштириш юзасидан фикр алмашилди.**

● **«Туркистон» саройида Корея санъати фестивали бўлиб ўтди.** Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси, Корея Республикасининг юртимиздаги элчихонаси, мазкур мамлакатнинг Маданият, спорт ва туризм вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилди. Уч кун давом этган ушбу фестивалда Корея Республикасининг анъанавий, замонавий рақс, балет ва мусиқа санъати томошабинлар эътиборига ҳавола этилди.

● **Тошкентдаги Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғида Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш фонди ҳамда бир қатор вазирлик ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида «Биз – соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз» шиори остида ёшлар акцияси бўлиб ўтди.** Унда олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, мактаб ўқувчилари, турли жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Тадбирда интеллектуал вибориналар, интерфаол усулдаги машғулотлар, ижодий беллашувлар, расмлар кўргазмаси ва кўрик-танловлар бўлиб ўтди. Шунингдек, ёшлар саломатлигини муҳофазалаш, турли иллатларнинг аянчли оқибатлари ҳақида тушунча ва маълумотлар берилди.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

ТАЙИНЛАНДИЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари, майор Генжебай Абилович СЕЙТНАЗАРОВ.

Генжебай Абилович Сейтназаров 1970 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1996 йилда Нукус шаҳар ИИБ 2-ШМБ участка инспектори лавозимидан бошлаган. 1997–2009 йилларда Қорақалпоғистон Республикаси ИИБ ЖКБ тезкор вакили, ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили, Чимбой тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари – ЖК ва УЖҚКБ бошлиғи, Қораўзақ тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Андижон вилояти ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари – Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, полковник Дилшод Раҳматуллаевич БОБОЖОНОВ.

Дилшод Раҳматуллаевич Бобожонов. 1962 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1983 йилда Тошкент вилояти Тошкент тумани ИИБ махсус комендатурасининг катта инспектори лавозимидан бошлаган. 1984–1991 йилларда Тошкент тумани ИИБ тиббий хушёрхонасининг инспектор-навбатчиси, Тошкент вилояти ИИБ ЖКБ тезкор вакили, Давлат ва жамоат мулкни талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлими талон-тарож қилишга қарши курашиш бўлимининг катта тезкор вакили, 1991–2009 йилларда ИИБ Котибияти бошлигининг ўринбосари, Ички ишлар вазирининг ёрдамчиси, ИИБ ЖКББ бошлиғи ўринбосари, ЖК ва ТҚКББ бошқарма бошлиғи ўринбосари, ЖК ва ТҚКББ бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



Сурхондарё вилояти ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари – Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Санжар Қахрамонович ХАЙДАРОВ.

Санжар Қахрамонович Хайдаров 1967 йилда туғилган. Маълумоти олий, Тошкент Давлат юридик институтини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1988 йилда Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ ЖКБ кичик инспектори лавозимидан бошлаган. 1989–2009 йилларда Тошкент шаҳар ИИБ ЖКБ кичик инспектори, Учтепа тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҚР ва ТҚКББ тезкор вакили, катта тезкор вакили, ЖК ва ТҚКББ катта тезкор вакили, гуруҳ раҳбари, бошқарма бошлиғи ўринбосари, Андижон вилояти ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари – Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Фарғона вилояти ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари – Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи, подполковник Раҳмат Тошназарович МАМАТОВ.

Раҳмат Тошназарович Маматов 1967 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1991 йилда Қашқадарё вилояти Қарши тумани ИИБ вояга етмаганлар ва ёшлар билан ишлаш инспекцияси инспектори лавозимидан бошлаган. 1992–2009 йилларда Қарши тумани ИИБ ШТБИГ катта инспектори, Қарши шаҳар ИИБ ЖКБ масъул ходими, Нишон тумани ИИБ Таллимаржон ШМБ бошлиғи ўринбосари, вилоят ИИБ ЖКБ бўлима бошлиғи, Қарши шаҳар ИИБ ЖКБ бошлиғи, вилоят ИИБ ЖК ва ТҚКБ бўлим бошлиғи, Баҳористон, Яккабоғ, Қарши туманлари ИИБ, Қарши шаҳар ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Тошкент шаҳар ИИББ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш бошқармаси бошлиғи, полковник Ибодулла Абдуллаевич АЛИҚОРИЕВ.

Ибодулла Абдуллаевич Алиқориев 1959 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1982 йилда Тошкент шаҳар ИИБ МППХ милиционер лавозимидан бошлаган. 1984–1998 йилларда Тошкент шаҳар ИИБ МППХ бўлинма командири, взвод командири ёрдамчиси, взвод командири, шаҳар ИИББ ЖТСБ инспектори, катта инспектори, Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ЖТСБ бошлиғи, 1998–2009 йилларда Тошкент шаҳар ИИББ ЖТСБ бўлим бошлиғи, ИИББ Штаби бўлим бошлиғи, Собир Раҳимов тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, шаҳар ИИББ ППХ ва ЖТСБ бўлинма бошлиғи, бўлим бошлиғи, ППХ ва ЖТСБ бошлиғи ўринбосари, махсус батальон командири лавозимларида хизмат қилган.



Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармаси хузуридаги Қуриқлаш бошқармаси бошлиғи, подполковник Ўктам Юсупович МАМАДАЛИЕВ.

Ўктам Юсупович Мамадалиев 1966 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1991 йилда Самарқанд вилояти ИИБ алоқа хизмати муҳандиси лавозимидан бошлаган. 1996–2009 йилларда Самарқанд вилояти ИИБ хузуридаги Қуриқлаш бошқармаси муҳандис-инспектори, катта муҳандис-инспектори, бўлим бошлиғи, бошқарма бошлиғи ўринбосари лавозимларида хизмат қилган.



Навоий вилояти ички ишлар бошқармаси Ташкилий-инспекторлик бўлими бошлиғи, подполковник Шокир Ботирович ЎРИНОВ.

Шокир Ботирович Ўринов 1960 йилда туғилган. Маълумоти олий, Самарқанд Давлат университетини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1982 йилда Навоий шаҳар ИИБ Давлат ёнгиндан сақлаш назорати бўлими инспектори лавозимидан бошлаган. 1983–1992 йилларда Навоий шаҳар ИИБ ДАНБ инспектори, тергов бўлими терговчиси, Самарқанд вилояти ИИБ тергов бўлими терговчиси, Навоий шаҳар ИИБ терговчиси, катта терговчиси, Навоий тумани ИИБ бошлиғи ўринбосари, 1992–2009 йилларда Навоий вилояти ИИБ тергов бўлими бошлиғи ўринбосари, ЭКБ бошлиғи, Нурота ва Учқудук туманлари ИИБ бошлиғи, вилоят ИИБ ЭКБ бошлиғи, Тергов бошқармаси бошлиғи ўринбосари, Нурота тумани ИИБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



Фарғона вилояти Ёзёвон тумани ички ишлар бўлими бошлиғи, майор Ҳаётали Эралиевич СОДИҚОВ.

Ҳаётали Эралиевич Содиқов 1978 йилда туғилган. Маълумоти олий, ИИБ Академиясини тамомлаган. Ички ишлар идораларида хизматни 1999 йилда Фарғона тумани ИИБ ЖКБ тезкор вакили лавозимидан бошлаган. 2000–2009 йилларда Фарғона вилояти ИИБ ЖКБ тезкор вакили, ЖК ва ТҚКБ тезкор вакили, катта тезкор вакили, бўлим бошлиғи ўринбосари, Ёзёвон тумани ИИБ бошлигининг биринчи ўринбосари – ЖК ва УЖҚКБ бошлиғи лавозимларида хизмат қилган.



ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Ўзбекистон Республикаси ИИБга БМТ Хавфсизлик Кенгаши Аксилтеррор қўмитасининг делегацияси ташриф буюрди. БМТ Аксилтеррор қўмитаси ижрочи директоратининг директори ўринбосари Сергей Карев бошчилигидаги делегация аъзоларини республика ИИБ ЖК ва ТҚКББ бошқарма бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Т. Нурмухамедов қабул қилди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Бош бошқармалари, бошқармалари ва мустақил бўлимларининг масъул ходимлари иштирок этди.

САМАРАЛИ ҲАМКОРЛИК АСОСИДА

Жаноб С. Карев ўз сўзида халқаро терроризм ҳозирги пайтда глобал миқёс касб этиб, бутун бошли мамлакатлар ва халқларга хавф солаётганлигини таъкидлади. Ушбу иллатга қарши курашда дунё мамлакатлари, уларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари ўзaro ҳар томонлама ҳамкорлик қилсалар, ушбу саъй-ҳаракатлар самарали кечишини қайд этди. Мазкур жараёнда доимий ўзaro ахборот алмашинув, халқаро терроризмга қарши кураш олиб борувчи тузилмаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, илғор илмий усул ва кашфиётларни амалиётга жорий этиш жуда муҳимлигини айтиб ўтди.

Ўз навбатида подполковник Т. Нурмухамедов республикамизда қатор аксилтеррор тадбирлари амалга оширилаётгани, бунда профилактика йўналишга катта эътибор берилаётганини гапириб берди.

Учрашув чоғида ўзaro фикр алмашинди, самарали ҳамкорлик бўйича келгуси режалар белгилаб олинди. **Георгий ПЕТРОСЯН.**

ТАДБИР

ТАДБИРКОРЛАР ҚОНУН ҲИМОЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида «Тадбиркорлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда адлия идораларининг ўрни ва аҳамияти» мавзусида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда вазирлик масъул ходимлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақилликка эришгандан сўнг иқтисодиётни эркинлаштириш ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилиб, тадбиркорликни қонуний ҳимоя қилиш юзасидан шароитлар янада кенгайтирилди. Чунончи, 2009 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши бу борада вазифаларни ҳаётга тўла татбиқ этишга имконият яратди. Ушбу қарор ижросини таъминлаш юзасидан Адлия вазирлиги томонидан тадбиркорлар фаолиятига ҳар қан-

дай ноқонуний аралашув ҳамда улар фаолиятида ноқонуний текширишлар ўтказилишининг олдини олиш мақсадида жорий этилган «Текширишларни рўйхатга олиш китоби»га қўшимча равишда яна 22 минг дона китоб чоп этирилиб, тадбиркорларга етказилди. Шунингдек, адлия идоралари томонидан 2009 йилнинг ўтган даври давомида ўтказилган ўрганишларда жойларда 4090 нафар тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқлари бузилганлиги аниқланиб, тегишли чоралар кўрилди.

Шунингдек, матбуот анжуманида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказишда, уларга банклар томонидан хизматлар кўрсатилишида, лицензия беришда тадбиркорлик субъектларининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини бузиш ҳолатларининг мавжудлиги ҳам таъкидланиб, бу борада қурилаётган чоралар юзасидан маълумотлар берилди. Тадбирда иштирокчилар ушбу йўналишда мавжуд тажриба ва ютуқлар юзасидан фикр-мулоҳаза алмашдилар ҳамда ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

Фуркат ХОЛИҚУЛОВ,
«Постда» муҳбири.

РЕПОРТАЖ

ШАРАФЛИ ХИЗМАТГА ЙЎЛЛАНМА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тантанали маросим тугагач, ота-оналар, битирувчиларнинг яқинлари бир-бирларини қутлай бошлади. Кўзларида севинч ёшлари қалқиб, ўглини бағрига босаётган онахонни суҳбатга тортдик.

— Сурхондарёнинг Жарқургон туманидан келганман, — деди аёл ўзини Ойнабат Бўтаева деб таништириб, — ўғлим Бахтиёр офицер бўлиб, диплом олди. Болагинамнинг қоматини, кийимларини кўриб, қувончим ичимга сиғмаяпти. Унга таълим берган устозларига, ёшларга шундай шароит яратиб берган Юртбошимизга катта раҳмат.

— Мен Академияни тергов фаолияти йўналиши бўйича тамомладим, — дейди қўлида гулдаста, дипломини дам-бадам

очиб, қувончини яширолмаётган Гулнора Ҳамдамова. — Биринчи мақсадимга эришдим. Транспортдаги ички ишлар хизматига йўланма беришди. Энди бутун билимимни хизматга бағишлаб, эл-юртга ҳалол хизмат қилиб, ота-онам, устозларимнинг ишончини оқлайман.

— Неварагинам Шерзод ички ишлар хизматига кираман деганда жуда хурсанд бўлгандим, — деди чеҳрасидан нур ёғилиб турган отахон, Фарғона вилояти Сўх туманилик Эшон Незматов. — Бугун офицер бўлиб, диплом олди. Уни эл қорига ярайдиган этиб таълим-тарбия берганларга минг раҳмат. Мана шундай алпқомат, жасур ўғлонларимиз бор экан, хотиржам яшаб, умргузронлик қиламиз.



Давр олға қараб шиддат билан бормоқда. Бугунги билимларни янада мустаҳкамлаш учун сабоқ олиш лозим бўляпти. Айниқса, раҳбар ходимларнинг малакаси, тажрибаси юқори бўлиши талаб этилар экан, уларга яна қўшимча машғулотлар ўтишни тақозо этади. Ана шу мақсадда ташкил этилган Олий академик курсларда вилоятлардан келган офицерларга бир йиллик ўқув машғулотлари ўтилиб, уларга диплом берилди.

— Вазирлик раҳбарияти ташаббуси билан ташкил этилган Олий академик курсларда раҳбар ходимлар тайёрланади, — дейди курс бошлиги, подполковник Илҳом Мирзайимов. — Мана, бугун эллик нафар офицер бир йиллик машғулотларни тамомлади. Улар Ички ишлар вазири буйруғи билан жойларга раҳ-

барлик лавозимларига тайинландилар.

— Мен Бухоро вилояти Пешку тумани ИИБда хизмат қилаётгандим, — деди капитан Фурқат Баҳромов. — Вилоят ИИБ раҳбарияти мени Олий академик курсларга ўқишга юборди. Гарчи олий маълумотли бўлсамда, бу ерда берилган сабоқлар билимимни янада оширди, ички ишлар хизматига раҳбарлик қилиш, бўйича тажрибамни бойитди.

ИИВ Академиясидан яна кўлаб йигит-қизлар, офицерлар хизматга йўланма олишди. Улар юрт тинчлиги ва осойишталиги йўлида фидойилик кўрсатаётганлар қаторида таянч ва қалқон бўлишларига ишонамиз.

Садриддин ШАМСИДИНОВ.

Суратларда: тантанадан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.



ҚАРОР ВА ИЖРО

ТАДБИР

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Қоровул кўшинлари Бош бошқармасида «Мустаҳкам ҳарбий интизом юқори жанговар шайлик гаровидир» мавзусида ўқув-услугий йиғин бўлиб ўтди. Унда ҳарбий қисм ва бўлинмалар командирларининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосарлари ҳамда соҳага дахлдор мутасаддилар иштирок этди.

ЎҚУВ-УСЛУБИЙ ЙИГИН

Йиғилишда сўзга чиққан Қоровул кўшинлари кўмондони, полковник Д. Пан ва бошқалар кўшинлар ҳарбий хизматчилари ўртасида интизомни мустаҳкамлаш, уларни маънавий-руҳий, сиёсий тайёргарлигини янада ошириш, юксак маънавий, ахлоқий фазилатларни қарор топтириш асосий вазифалардан эканлигини таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга жойларда ҳарбий интизомни тубдан яхшилаш ва ҳарбий хизматчилар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида ҳарбий прокуратура ва ҳарбий суд ходимлари билан ҳамкорликда турли профилактик тадбирларнинг ўтказилиши бугунги кунда ўз самарасини бераётганини ҳам айтиб ўтишди.

Баҳриддин ЛУТФУЛЛАЕВ, катта сержант.

ДОНИ — НОН, СОМОНИ — ОЗУҚА

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йилнинг 19 майида қабул қилинган 2009 йил бошоқли дон ҳосилидан бўшаган ерларни шудгорлашни ташкил этиш чора-тадбирларига оид қароридан ғалла ўрими-йиғими мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш, бу жараёнда сомон пояларини ёқиб юборишдек ноҳуш ҳолатлар содир этилишининг олдини олиш билан боғлиқ долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси Ички ишлар вазириликнинг ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, маҳаллий ҳокимликлар ва жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликда ушбу йўналишда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш юзасидан изчил иш олиб бораётди.

Туманларда маҳаллий ҳокимликлар кўмагида малякали мутахассислардан иборат махсус гуруҳлар ташкил этилиб, кўлаб тарғибот тадбирлари ўтказилди. Уларга етмиш минг нафардан ортиқ аграр соҳа вакиллари ва қишлоқ аҳолиси жалб этилиб, табиат неъматларини асраб-авайлаш билан боғлиқ миллий қонунчилигимизнинг мазмун-моҳияти хусусида атрофлича маълумот берилди.

Ғалла экилган далалар, магистрал йўллар ёқасига сомон ёқишнинг табиатга ва инсон саломатлигига етказадиган зиёни акс эттирилган баннерлар ўрнатилди. Фермер хўжалиқларига бошоқли дон поялари ва барглари ёқишнинг экологияга салбий таъсири ифодаланган плакатлар тарқатилди. Оммавий ахборот воситаларида кўлаб мақолалар чоп этилди, эшитириш ва кўрсатувлар намойиш этилди. Бу йўналишдаги ишлар қизғин давом этмоқда.

Бироқ айрим ҳолларда ерни асраб-авайлаш борасидаги миллий қадриятларимиз ва қонунчилигимизга зид тарзда ғалласи йиғиштириб олинган майдон-

лардаги сомонни ёқиб юборишдек ноҳушликлар содир этилмоқда.

Ўзбекистон Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасидан маълум қилишларича, сомон ёқилган ҳар гектар ердан ҳавога 500 грамм азот оксиди, шунча углеводород, 3 килограмм кул ва ис гази чиқади. Натижада тирик мавжудотларнинг нафас олиши қийинлашади, тупроқнинг физик, механик, биологик хусусиятларига путур етади. Энг ачинарлиси, тупроқ унумдорлигини оширишга хизмат қиладиган асосий тирик микроорганизмлар нобуд бўлади. Шунинг учун ҳам ушбу муаммонинг олдини олишга давлат даражасида эътибор қаратилмоқда. Қўрилаётган чора-тадбирлар натижасида бундай ҳолатлар кескин камаймоқда. Мисол учун, 2005 йилда 481 марта сомон ёқиш ҳолати аниқланган бўлса, 2008 йилда бу рақам эллик иккитага тушди.


Ўтган йиллардаги кузатувларга кўра, сомонга асосан тунда ўт кўйилади. Шу боис жорий йил тунги рейдларни ташкил этиш бўйича навбатчилик жадвали ишлаб чиқилиб, шу асосда иш олиб борилмоқда. Қўрилаётган ана шундан изчил чора-тадбирлар туфайли мавсум бошланганидан буён сомон ёқиш ҳолати қайд этилмади.

Мутахассисларнинг қайд этишича, юртимизда етиштириладиган ва табиатимизда учрайдиган ҳар бир неъматнинг ўзига хос хусусияти, инсонга фойда келтирадиган жиҳатлари кўп. Жумладан, бугуннинг дони — нон, сомони — озуқа. Сомоннинг бир тоннаси таркибидан олти килограмм азот, уч килограмм фосфор, йигирма килограмм калий, салмоқли микдорда магний, марганец ва рух бор. Сомондан чорва озуқаси сифатида, қўрилиш ва қўғоз саноатида кенг фойдаланилмоқда.

Сомондан далаларни суғоришда фойдаланилса, тупроқда сув, ҳаво ва иссиқлик алмашиш жараёнлари фаоллашади. Бунинг натижасида ерда намлик узоқ сақланади, гумус микдори ортади, тупроқнинг агрофизик хоссалари яхшиланади ва сув тежалани.

Баҳор ХИДИРОВА, ЎЗА мухбири.

ЖАҲОН



АЙВОНИДА

АЖАЛИ ЕТМАСА...

Ҳинд океанининг «Yemenia Airways» (Яман) авиакомпаниясига тегишли «А 310-300» самолёти ҳалокатга учраган жойда қидирув ишлари давом эттирилмоқда.

«France Presse» ахборот агентлиги ҳалокатдан 14 ёшли қиз тирик қолганини маълум қилди. Самолёт фожиага йўлиққан вақтда унинг бортида 142 йуловчи ва 11 нафар экипаж аъзоси бўлган.

ХАТОЛИККА ЙЎЛ ҚЎЙИЛГАН

«The Daily Telegraph» нашрининг ёзишича, Буюк Британия Қироллик зарбхонаси 200 минг донга 20 пенслик танга пуллари чиқаришда хатоликка йўл қўйган. Гап шундаки, тангалар дизайнини ўзгартириш чоғида уларнинг саналарини ёзиш унутилган. Мазкур камчилик пуллар муомалага киритилганидан кейингина пайқаб қолинган.

ҲАРБИЙ ҲУЖУМ БОШЛАНДИ

АҚШ Афғонистон жанубидаги толибонларга қарши йирик ҳарбий ҳужум бошлади.

Пентагоннинг хабар беришича, операцияга тўрт минг денгиз пилдаси ҳамда афғон қўшини ва полициячиларидан 650 нафари жалб қилинган. Америка бош маъмурияти глобал терроризмга қарши курашда асосий фронт Ироқ эмас, балки Афғонистон эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда.

ПОЛЬША ШАҲАРЛАРИНИ СУВ БОСДИ

Польша шаҳарлари кучли ёмғирлар туфайли сув остида қоляпти. Польша метеорология институти табиий офатдан пойтахтнинг Мазовецкое, Варминьско — Мазурское ва Поморское туманлари жиддий зарар кўрганлигини билдирган.

Гданьскдаги айрим кўчалар 1 метргача сув остида қолган. Тупроқнинг кўчиши оқибатида поездлар ҳаракати тўхтаганлиги, минглаб йўловчиларнинг ичкарида қолиб кетишига сабаб бўлган.

ГОНДУРАС ИНҚИРОЗ ЁҚАСИДА

Гондураснинг бошқарувдан ағдарилган президентни тарафдорлари ва полиция ўртасидаги тўқнашувлар оқибатида бир киши ҳалок бўлган ва 60 нафар киши турли тан жароҳатлари олишган. Лотин Америкасидаги мамлакатлар Гондурас билан чегараларини беркитаяпти ва ёппасига элчиларини чақириб олмоқда.

Интернет ва ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

АМАЛИЁТ

МАҚСАД — БИЛИМЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Тошкент вилояти ИИБга амалиёт ўташ учун келган ИИБ Академияси тингловчилари билан биргаликда ота-оналар ҳам ташриф буюришган. Дастлаб тингловчилар раҳбарият олдида саф кўригидан ўтказилди. Сафдагиларга тегишли йўриқномалар берилгач, улар ота-оналари билан биргаликда бошқарма мажлислар залига тўпланишди.

Йиғилишни ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник Ш. Рузматов очиб тингловчиларни танишув-ўқув ҳамда иш ўрганиш амалиётини бошлаганликлари билан табриклади ва уларга тажрибали мураббийлар бириктирилгани, имкон қадар устозлардан кўпроқ касб сир-асрорларини ўрганишга ҳаракат қилишлари кейинги фаолиятларида асқотишини таъкидлади.

ИИБ Академияси кафедра бошлиғи, подполковник Д. Муҳаммадалиев аъло ўқиши ва хулқи, жамоат ишларидаги фаоллиги билан тенгдошларига ўрнак бўлган бир қанча тингловчиларнинг ота-оналарига миннатдорлик мактубларини топширди.

Тадбирда истеъфодаги полковник А. Девятов сўзга чиқиб, ёшларга ўқув

даргоҳида олган билимларини амалиётда мустаҳкамлаб, интизом ва тартибга риоя этган ҳолда қонунчиликни пухта ўзлаштиришлари келгуси иш жараёнига яхши замин яратишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, тингловчилар Кибрай, Зангиота, Ўртачирчиқ туманлари ИИБларида амалиёт ўташади. Улар учун барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳар бирига камида беш йиллик иш тажрибасига, юқори малакага эга ходимлар раҳбар этиб бириктирилган. Мураббийлар тингловчиларнинг белгиланган дастурни муваффақиятли бажариши, тегишли кўникмаларни шакллантиришлари, ижтимоий-тарбиявий ва ташкилотчилик қобилиятларини намоён этишлари учун зарурий



ёрдам кўрсатишлари, шароитлар яратишлари лозим.

— Мен кўпроқ жиноят қидирув соҳасига қизиқман, — дейди Академиянинг 2-босқич тингловчиси анренлик Б. Қахрамонов. — Ниятим мазкур йўналишни пухта ўзлаштириш, жиноятчилар, қонунбузарларга нисбатан мурасасиз бўлиш.

Тергов, жиноят қидирув, эксперт-криминалистика, жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятлари бўйича амалиёт ўтовчи тингловчилар ходимлар мақомига тенг-

лаштирилган бўлиб, барча алоқа, ташкилий-техника, автотранспорт ва бошқа махсус воситалар, шунингдек, ётоқхона ҳамда арзонлаштирилган озиқ-овқат билан ҳам таъминлангандилар. Шунингдек, амалиёт даврида яхши кўрсаткичларга эришган тингловчиларни рағбатлантириш ҳам кўзда тутилган.

Муҳаббат ИБРАГИМОВА.

Тошкент вилояти.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.

ҚАРШИ. Вилоят ИИБда республика ИИБ Академиясидан амалиёт ўташга келган тингловчилар билан йиғилиш бўлиб ўтди. Унда олийгоҳ ўқитувчилари ва тингловчиларнинг ота-оналари иштирок этди. Тадбирни вилоят ИИБ ШТБХ бошлигининг биринчи ўринбосари, майор Эркин Тўрабоев очди.

— Тингловчилар Қарши шаҳар ИИБда тергов, жиноят қидирув, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, эксперт-криминалистика йўналишлари бўйича билим ва малакаларини оширадилар, — деди ИИБ Академияси амалиёт гуруҳи раҳбари майор Расул Раҳмонов. — Улар тизимда узоқ йиллар хизмат қилган тажрибали ходимлар мураббийлиги остида белгиланган дастурлар асосида машғулотлар ўташ билан бир қаторда, амалиётда асқотадиган меъёрий ҳужжатларни ҳам ўқиб, ўрганишади.

Йиғилишда босқични аъло баҳолар билан якунлаган, хулқи ва одоби билан ўрнак бўлган бир гуруҳ тингловчиларнинг ота-оналарига Академия раҳбариятининг ташаккурномаси топширилди.

Ўз мухбиримиз.

Қашқадарё вилояти.

ГУЛИСТОН. ИИБ Академияси тингловчиларидан бир гуруҳи Сирдарё вилояти ИИБда амалиёт бошлашди. Амалиётга киришиш олдида вилоят ИИБда тингловчиларнинг ота-оналари иштирокида йиғилиш ўтказилди. Тадбирда аъло баҳоларга ўқиб, намунали интизоми билан ўрнак бўлаётган тингловчиларнинг ота-оналарига Академия раҳбариятининг ташаккурномаси топширилди.



Суратда: Сирдарё вилояти ИИБ ШТБХ бошлигининг биринчи ўринбосари, подполковник Р. Муҳсимов аълочи тингловчининг онасига ташаккурнома топширяпти.

Назиржон ЙЎЛДОШЕВ олган сурат.

ФАРҒОНА. Айни кунда Фарғона ва Қўқон шаҳар ИИБларида ИИБ Академиясининг 103 нафар тингловчилари ўқув амалиётини ўтамоқдалар.

— Бизга бу ерда жуда катта амалий ёрдам кўрсатилмоқда, — дейди Академия кафедраси доценти, подполковник М. Асрақулов. — 1 ва 2-курс тингловчилари танишув ўқув амалиётини ўташаётган бўлса, 3-курс тингловчилари бевосита тажрибали ходимлар раҳбарлигида тезкор-қидирув фаолияти, профилактика, эксперт-криминалистика ва тергов йўналишлари бўйича ўзларининг билим ва тажрибаларини намоёниш этмоқдалар. Бунинг учун бевосита ИИБ раҳбариятига ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

Вилоят ИИБда тингловчилар, уларнинг ота-оналари ва фахрийлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди.

Абдувосит СИДДИҚОВ.

Фарғона вилояти.

НАВОИЙ. ИИБ Академияси тингловчиларидан бир гуруҳи яқинда вилоят ички ишлар идораларида амалиёт бошлади.

— Бу давр тингловчиларимиз учун жуда муҳим аҳамиятга эга, — деди Академия кафедраси бошлиғи, полковник Б. Зокиров. Мақсад — ёшларнинг Академияда олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаб, хизмат жараёнида янада чиниктириш.

Тингловчиларнинг иш ўрганиш жараёни олдида бошқарма «Маърифат хонаси»да ота-оналар билан учрашув ташкил этилди. Учрашув фойдали мулоқотлар ва фикр-мулоҳазаларга бой бўлди. Тингловчиларга иш ўрганишга кунт билан киришиш, тартиб интизомга қатъий риоя қилиш, мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш лозимлиги ўқитрилди.

Нигора РАҲИМОВА, майор.

Навоий вилояти.

МАЛАКАЛИ КАДРЛАР — ЮТУҚЛАР ГАРОВИ

БУГУННИНГ ТАЛАБИДАН КЕЛИБ ЧИҚИБ

Қайси соҳада бўлмасин, муваффақиятларга ўз-ўзидан эришилмайди. Бу биринчи галда кадрларнинг малакасига, ишнинг тўғри ташкил қилинишига боғлиқ бўлади. Ходим фақат таълим муассасасида олган билимлари-ю орттирган амалий кўникмалари билан чегараланиб қолса, қаттиқ янглишади, узоққа боролмайди. Чунки ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Мамлакатимизда амалга оширилаётган кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва «Таълим тўғрисида»ги Қонунда ҳам ҳар бир соҳа вакили ҳаётдан орқада қолмаслиги, иложи борича замондан бир қадам олдинда юришига эришиш учун узлуксиз таълим тизими кўзда тутилган.

Бухоро вилояти ИИБда узлуксиз таълимнинг нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини яхши тушунишади. Шунинг учун хизмат ва жанговар тайёргарлик машғулотларининг кундалик амалий фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқиб ташкил этилишига ва ўтказилишига алоҳида эътибор берилаяпти. Ходимларга навбатдаги махсус унвон бериш, уларни юқори лавозимларга тайинлаш чоғида ўқув машғулотларидаги кўрсаткичлари ҳисобга олинади. Ҳафтанинг белгиланган кунлари жисмоний тайёргарлик машғу-

лотлари мунтазам равишда ва юқори савияда ўтказилмоқда. Бунинг учун жойларда барча шарт-шароитлар яратилган.

Бугунги кунда ички ишлар идораси ходими зиммасидаги вазифаларни чуқур англаб етиши учун нафақат мамлакатимиздаги, балки дунёдаги ижтимоий-сиёсий вазиятни, тинчлик-осойишталикка қандай хавф-хатарлар таҳдид солаётганини яхши билиши лозим. Шу сабабли ижтимоий-сиёсий сабоқ машғулотларига сиёсатчи олимлар, етук мутахассислар таклиф этиляпти. Қалбида Ва-

тан ишқи, халқпарварлик, адолатпарварлик ҳислари жўшиб турган осойишталик посбонигина ўз вазифасига сидқидилдан ёндашади, хизмат бурчини бажариш чоғида керак бўлса жонини ҳам аямайди. Бунга эса ходимларнинг юксак маънавий қадриятлар руҳида тарбияламасдан туриб эришиб бўлмайди. Ушбу жараёнда маърифат дарсларининг ўрни ва аҳамияти беқийсдир. Уларда ўз маъруза ва чиқишлари билан қатнашаётган вилоятда таниқли зиёлиларнинг маънавиятимиз сарчашмалари, миллий қадриятларимиз ҳақидаги фикр-мулоҳазалари тингловчиларда катта таассурот қолдирмоқда.

Чуқур билимли, амалий кўникмаларга эга, сиёсий жиҳатдан ҳозиржавоб, маънан етук кадрларни тарбиялаб етиштириш бугуннинг талабидир. Бухоро вилояти ИИБ тизимида ўқув машғулотлари ана шу талаблардан келиб чиқиб, режаларга мувофиқ ўтказилмоқда.

Фазлиддин ТҶУХТАЕВ, майор.

Бухоро вилояти.

ИИБ Матбуот маркази хабар қилади

ВОҚЕА ЖОЙИДАН КЕТИБ ҚОЛДИ

Самарқанд вилояти Жомбой туманида номаълум ҳайдовчи Л. Жавлонни машинасида уриб юбориб, воқеа жойидан кетиб қолди. Натижада йўловчи жароҳат олиб, касалхонага ётқизилди. Туман ИИБ ходимлари томонидан олиб борилган чора-тадбирлар натижасида ушбу жиноятни Д. Тоштемир ўзининг «ВАЗ-2106» автомашинасида содир этганлиги аниқланиб, қўлга олинди.

ДЕРАЗА ПАНЖАРАСИНИ БУЗИБ...

3. Гулнора Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ИИБ ходимларига ариза билан мурожаат этиб, кимдир унинг уйига дераза панжарасини бузиб кириб, у ердан компьютер жамламаси ва 2 дона «Нокия» русумли уяли телефонни ўғирлаб кетганини маълум қилди. Туман ИИБ ходимларининг саъй-ҳаракати туфайли ушбу жиноятни вояга етмаган Н. Сергей ва А. Ренат содир этганлиги аниқланди. Улар тезда қўлга олинди.

ҚОРАМОЛ ЎҒРИЛАРИ

Фермер хўжалигида ишловчи А. Содиқ яхши ният билан уйда 4 бош қорамол боқиб қўйганди. Уларга ем бериш учун оғилхонага кирганда у ер бўм-бўшлигини кўриб, бу ҳақда зудлик билан Қашқадарё вилояти Ғузор тумани ИИБга хабар берди.

Ходимлар суриштирув ишларини бошлаб юборишди. Натижада ўғирланган қорамоллар топилди. Ушбу жиноятни қўшни Керайит қишлоғида яшовчи, Д. Жура икки нафар шериги билан содир этгани маълум бўлди. Энди улар қилмишлари учун жавоб беришади.

СУМКАНИ ЮЛИБ ҚОЧГАН АЁЛ

Д. Юлдуз қариндошиникида зиёфатда бўлиб, уйига қайтаётганди. Поп шаҳрида жойлашган «Дехқон» бозорига етганда бир аёл унинг қўлидан ичида беш турдаги тақинчоқлари бўлган сумкани юлиб қочди. Ушбу жиноятни содир этишда гумонланиб Ж. Дилором қўлга олинди. Ўз шаънига доғ туширган бу аёл қонуний жазо олади.

Ё. БОБОЖОНОВ, лейтенант.

2009 ЙИЛ – ҚИШЛОҚ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИ ЙИЛИ

Истиклол йилларида амалга оширилаётган ислотлар Тўрткўл туманидаги Оққамиш овулига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Бошқарув усулининг тубдан ўзгариши, кадрлар сиёсати тўғри олиб борилиши, эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилувчи фидойиларни майдонга чиқарди. Тадбиркорларга имконият яратилгани ҳам ўз самарасини берди.

— Тикувчилик цехи очган эдик, эллик нафардан ортиқ аёл иш билан таъминланди, — дейди Айша Қурбониязова. — Ҳозирда қизлар ҳам чеварлик сирларини урганишяпти.

Шунингдек, хунармандчиликни замонавий технологиялар асосида ривожлантираётган ёғоч устаси Қошбай Қурбанов ва кулол Болтабой Мелевнинг беминнат хизматидан аҳоли мамнун. Овулда йигирма иккита деҳқон-фермер хўжалиги мавжуд. Улар мактаб, боғча ва қишлоқ врачлик пунктларига имкон даражасида ҳомийлик қилишмоқда. Шунингдек, кам таъминланган оилаларга беминнат ёрдам кўрсатишяпти. «Тўрткўллик шоҳ жаҳон» ва «Солиҳ фарзанд» деҳқон-фер-

мер хўжаликлари раҳбарлари Зафар Жуманиязов ҳамда Ашир Байрамов иккита хонадондаги

ОҚҚАМИШНИНГ ОППОҚ ТОНГЛАРИ

хатна тўйини бош-қош бўлиб ўтказиб беришди.

Овул фуқаролар йигини қошида олтита маъмурий комиссиянинг ташкил қилингани ва улар томонидан белгиланган тадбирларда профилактика инспекторининг мунтазам иштирок этиши жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олди олинишига сезиларли таъсир этмоқда. Тўй ва маросимларни тартибга солиш, ободонлашти-

риш, табиатни муҳофаза қилиш комиссияси ўз фаолияти давомида бошқа маҳаллалардаги ибратли ишларни ҳаётга татбиқ этаяпти. Одам савдосига қарши кураш ва гиёҳвандликнинг олдини олиш комиссияси томонидан профилактика инспектори ва жамоатчилик иштирокида учрашув ҳамда давра суҳбатлари ўтказилиб, бу каби жиноятларнинг мазмун-моҳияти хаё-

ота-онаси ҳақида бўлмағур гаплар тарқатишди. Уйланмай қилинган иш натижасида қариндошлар ўртасида низо келиб чиқади. Яраштириш комиссиясида Давлатқилич билан Таганмурот ўртасида пайдо бўлган можарони профилактика инспектори, капитан Ойбек Назаровнинг фаол ҳаракати билан бартараф этдик. Уларга қариндошлар қуда-ан-

Кизилқум кенгликларида, катта магистрал йўлнинг икки томонида вужудга келган маиший хизмат, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, ёнилғи қуйиш, овқатланиш ва савдо шохобчаларини кўриб, дилингиз равшан тортади. Темир йўл бекати, туманлараро нефть маҳсулотларини сақлаш омборхонаси овулда қайноқ ҳаётни таъминлайди. Жорий йилнинг Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили деб номланиши ва шу асосда Давлат дастури тузилгани шубҳасиз, Оққамишга ҳам ижобий таъсир кўрсатди. Зеро, овулнинг ички йўллари асфальтлаш, табиий газ таъминотини тўлиқ амалга ошириш, шунингдек, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турар жойлар қуриш ишлари режалаштирилган. Кўзланган хайрли ишлар гўшани янада обод қилишига асло шубҳа йўқ.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ,
«Постда» мухбири.
Қорақалпоғистон Республикаси.

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

Чархи кажрафтор олдида инсон умри мисоли чақмоқ, яшин. Инчинун, чақмоқ, яшин оний лаҳзада бору, йўққа айланса-да, кудратига қиёс бўлмаганидек, инсон ҳам узоқ умр кечирishi билан эмас, балки ҳаётда эзгу ва хайрли, бардавом ишлари билан мангуликка дахлдор бўлади.

БУРЧИГА СОДИҚ ЭДИ

Полковник Ҳақберди Худойбердиев ҳам ҳаёти давомида ўзидан ўчмас из қолдирди. 1916 йилда Қарши туманида туғилган Ҳақбердининг ўспиринлик йиллари оғир меҳнат билан ўтди. Ҳарбий хизматни ўташи эса Иккинчи жаҳон уруши бошланган дамларга тўғри келди. Жангоҳларда душманга қарши курашди. Шиддатли жангларда олган жароҳати уни хизматдан қайтишга мажбур қилди. У фронт ортида меҳнат қилиб, юклатилган вазифаларни бекаму кўст уддалаб, элдошлари ишончини қозонди. Болалигида қалбида уйғонган эл осойишталиги ва юрт тинчлигини сақлашга бўлган иштиёқ туфайли 1952 йилда ички ишлар идорасига хизматга кирди.

Ҳақберди Худойбердиев дастлаб Қашқадарё вилояти ИИБ ЖИЭБ тизимида тезкор вакил бўлиб иш бошлади. Ўз устида тинимсиз ишлаши, тиришқоқлиги ва ташаббускорлиги сабабли раҳбарлар назарига тушди. Айниқса, Термиз шаҳар ИИБ тергов ҳибсхонаси бошлиги ўринбосари лавозимида хизмат қилган кезлари бой тажриба тўплади. Бошқарма хўжалик бўлимида ишлаб, шаҳар ва туманлардаги ИИБлари биноларини бунёд этишга ҳисса қўшди. Сўнгра Қашқадарё вилояти ИИБ раҳбарияти уни жазони ижро этиш муассасаси раҳбари этиб тайинлади. Шундан сўнг Ҳ. Худойбердиев етук, билимли ходимларни соҳага жалб этиш, хизмат интизомини мустаҳкамлаш, касбий, жанговар ва жисмоний тайёргарликни намунали ташкиллаштиришга бош-қош бўлди. Маҳкумларни ахлоқан тарбиялашни такомиллаштиришда жонбозлик кўрсатди. Афсуски, бевақт ўлим 1978 йилда хизмат вазифасини бажариш чоғида уни орамиздан олиб кетди.

Касбига фидойи бу инсоннинг эл осойишталиги, юрт равнақи йўлидаги хизматлари бесамар кетмади. У бир неча орден ва медаллар билан тақдирланган. Шоғирдларининг эса санаб адоғига етиш мушкул. Ҳозирда Қарши шаҳридаги кўчалардан бирига полковник Ҳақберди Худойбердиев номи берилган.

Ҳақберди ака турмуш ўртоғи Рузиоя ая билан оилада уч ўғил, тўрт қизни вояга етказишди. Фарзандларнинг барчаси ҳаётда ўз ўрнини топган.

Р. СОДИКОВ.

Қашқадарё вилояти.

ПАСПОРТ ТАРТИБОТИ – ҲАЁТ ЗАРУРАТИ

ҲАМКАСБЛАР БИЛАН ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Майор Иброҳимжон Алимов кўп йиллардан буён Марғилон шаҳар ИИБ паспорт бўлинмаси бошлиги лавозимида хизмат қилади. Ўз ишини пухта бажарадиган, тажрибали ходимдан бугун ҳамкасблари ҳам, шаҳар аҳли ҳам мамнун. Боси, у бўлинмага келаятган ҳар бир фуқарони хушқайфият билан қарши олади. Дилдан суҳбатлашиб, кези келганда улардан маслаҳатини аямайди.

Бугунги кунда паспорт бўлинмасида паспорт-виза қоидаларига амал қилинишини тартибга солиш бўйича қатор ижобий натижаларга эришилмоқ-

да. Бу ишларга бош-қош бўлган Иброҳимжон шоғирдлари ва ҳамкасблари билан ҳамжиҳатликда ишлашга одатланган.

— Энг асосийси, ишни

дўстона руҳда ташкил этиш, — дейди майор И. Алимов. — Бўлинмага ҳар куни юз, икки юзлаб одам келади. Уларнинг ҳар бири билан суҳбатлашиб, муаммоларини тинглаш бизни жисмонан ва руҳан чарчатиши табиий. Шунга қарамай умид билан келган ҳамюртларимизга доимо самимий хизмат кўрсатишга ҳаракат қиламиз.

Жорий йилнинг шу даврига қадар 4245 нафар кишига фуқаролик паспорти берилди. Аҳоли орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш мақсадида ходимлар маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда 18071 та хонадонга ташриф буюриб, паспорт-виза тартиботи хусусида суҳбатлар ташкил этишди. Мулоқотлар чоғида аҳолига белгиланган тартиб-қоидалар атрофида тушунтириб берилмоқда. Мавжуд 13 та корхона ва ташкилотларда учрашувлар ўтказилиб,

уларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларнинг паспорт билан боғлиқ муаммолари шу ернинг ўзига ҳал этиб берилди.

Саъй-ҳаракатларга қарамай айрим шахслар ҳамон белгиланган қоидаларга амал қилмаётгани маълум бўлмоқда. Текширувлар чоғида 453 нафар фуқаро паспорт-виза қоидаларини бузганлиги аниқланиб, тегишли миқдорда жарима солинди.

Паспорт бўлинмасининг шаҳар ҳокимлиги, халқ таълими бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вакиллари, маҳалла оқсоқоллари билан ҳамкорлиги яхши йўлга қўйилган бўлиб, бу кўзланган ишлар муваффақиятли бажарилишида қўл келаяпти.

А. СИДИКОВ.
Фарғона вилояти.

Суратда: бўлинма бошлиги, майор И. Алимов фуқаролик паспортини топширмоқда.



ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

ОБОД УЙДА ОМОН ЯШАЙЛИК

Оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида ёнгин келиб чиқаётганини инкор этиб бўлмайди. Бу эса халқ хўжалиги, фуқаролар хонадонига моддий зарар етказибгина қолмай, инсонлар турли даражада куйиш тан жароҳати олиши, ҳатто ҳаётдан кўз юмишга олиб келмоқда.

2009 йилнинг ўтган 5 ойига назар ташласак, республика бўйича қайд қилинган ёнгинлар 4922 тани ташкил этиб, улар туфайли 1 млрд. 179 млн. сўмдан ортиқ моддий зарар кўрилган. 400 нафар фуқаро турли даражада куйиш тан жароҳати олган, 94 киши эса ҳаётдан кўз юмган. Ушбу ёнгинларнинг 83,5 фоизи аҳоли яшаш жойларига тўғри келади.

Кўриниб турибдики, бепарволик ва лоқайдлик оқибатида фуқароларимиз томонидан йиллар давомида қурилган уйлар, топилган мол-мулклар санокли дақиқалар ичида ёниб, хонадон эгалари бошпанасиз қолишига олиб келмоқда. Жумладан, Тошкент шаҳар Ҳамза тумани М. Ашрафий кўчасидаги уйлардан бирида электр асбобидан ёнгин хавфсизлиги қоида-қоидага риоя қилмай фойдаланиш натижасида ёнгин содир бўлиб, 3 нафар фуқаро ҳалок бўлган, 2 нафари турли даражада куйиш тан жароҳати олган. Андижон вилояти Бўз туманидаги хонадонларнинг бирида иситиш печи ёнгин хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги туфайли ёнгин чиқиб, 6 нафар фуқаро турли даражада куй-

иш тан жароҳати олган, оила моддий зарар кўрган.

Афсуски, бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Мақсадимиз ушбу ҳолатлар орқали ёнгиннинг дахшатли оқибатларини баён этиш эмас, балки унинг олдини олиш учун фуқароларимиз Давлат ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан ўтказиладиган тушунтириш ишларига янада эътиборлироқ бўлиши, ёнгин хавфсизлиги қоидаларига доимо амал қилишга чақиришдан иборатдир. Шундагина улар ўзлари ва уйларини ёнгиндан асраб, ҳаётлари фаровон бўлишига замин яратган бўладилар.

Д. ВАЛИЕВ,
подполковник.



ҚОНУН — ҲУҚУҚ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 35-моддасида «Хар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга», деб белгилаб қўйилган. Ушбу конституциявий қондан амалга оширишнинг ҳуқуқий механизми бўлган, 1994 йил 6 майда қабул қилинган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар талабларидан келиб чиқиб, 2002 йил 13 декабрда янги тахрирда қабул қилинди.

Маълумки, ушбу ҳуқуқий ҳужжат инсон ҳуқуқларининг самарали таъминланиши ва ишончли ҳимоя қилинишининг муҳим омилidir. Шунинг учун барча фуқаролар мазкур қонуннинг мазмун-моҳиятини чуқур билиши ҳаётий заруратдир. Қолаверса, ички ишлар идоралари ходимлари ҳам фуқароларнинг ариза, таклиф ва шикоятлар билан ишлашда ушбу қонун талабларига риоя этишлари керак. Ана шу мулоҳазалардан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази томонидан тайёрланган «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига шарҳни газетамиз саҳифаларида бериб боришни лозим топдик.

ТАХРИРИЯТ.

бўлади; маълум ҳуқуқий мақомга эга; белгиланган ҳудудда ҳаракат қилади.

Давлат органлари турли хил бўлиб, улар ўз хусусиятларига кўра бевосита халқ томонидан сайланадиган ва бошқа давлат органлари томонидан ташкил этиладиган органларга таснифланади. Улар, шунингдек: давлат ҳокимиятини амалга оширишига қараб; ҳокимият бўлинишига қараб; иерархия бўйича; бўйсунувига қараб; ваколат муддатига қараб; ваколатларни амалга ошириш тартиби бўйича; фаолиятнинг ҳуқуқий турига қараб; ваколат хусусиятига қараб ҳам бир-биридан фарқланади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 11-моддасига асосан давлат ҳокимиятининг тизими — қонун чиқа-

лар, шаҳарлар ҳокимликлари, шунингдек халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгашилари киради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 76-моддасида муассасага тушунча берилган бўлиб, унга кўра бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тўла ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади.

Муассасалар давлат муассасалари ҳамда нодавлат нотижорат ташкилотларининг шаклларида бири сифатида тузилиши мумкин.

Шуни айтиш керакки, шарҳланаёт-

«ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ШАРҲ

«ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун фуқароларнинг давлат органларига, муассасаларига (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади) мурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солади.

«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонун (бундан буён матнда Қонун деб юритилади) фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига ариза, таклиф ва шикоят билан мурожаат этиб, ўз хоҳиш-иродаси ва истиғини билдириш ёки бузилган ҳуқуқларини тиклашга бўлган ҳуқуқлари ва бу борадаги мажбуриятлари, шунингдек давлат органларининг фуқаролар мурожаатларини қабул қилиш, кўриб чиқиш ва ҳал этиш билан боғлиқ ҳуқуқ ва мажбуриятларига оид муносабатларни тартибга солади.

Ушбу муносабат томонларидан бири бўлган давлат органларининг тушунчаси, уларнинг белгилари ва таснифлари ҳамда ваколатларини ёритиш мазкур Қонуннинг мазмун-моҳиятини тўлароқ англашда муҳим аҳамият касб этади.

Давлат органи — давлатнинг маълум вазифаларини амалга оширишда иштирок этувчи давлат аппаратининг муайян бўғини бўлиб, ўз навбатида у аниқ бир ваколатларга эга бўлиши билан бош-

қа давлат тузилмаларидан фарқланади.

Давлат органларининг бир неча белгилари мавжуд бўлиб, улар қуйидагилардан иборатдир: давлат механизмининг алоҳида элементини ўзида мужассам этиб, ягона давлат организмнинг ажралмас бир қисми; давлат номидан ва унинг топшириғига асосан ҳаракат қилади; норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар (конституция, қонунлар ва қонун ости ҳужжатлар) асосида ташкил топади ва уларга мувофиқ фаолият юритади; «қонунда тақиқланмаган ҳолатлар рухсат этилади», деган ҳуқуқий тамойил давлат органларига нисбатан татбиқ этилмайди; тегишли тур ва услублардан фойдаланган ҳолда фақат ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни бажаради; муайян таркибий тузилмалардан (бошқармалар, бўлимлар, аппарат, девонхона ва бошқалар) ташкил топади; ўзининг мақсад ва вазифаларини амалга ошириш учун лозим бўладиган моддий базага (бино, транспорт, ташкилий техника воситалари ва б.) ва молиявий воситаларга (банкда ҳисоб-рақамига, лозим даражада маблағга) эга



рувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятларига бўлинади.

Иерархия бўйича давлат органлари республика ва маҳаллий давлат органларидан иборатлиги тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 9 декабрдаги «Республика давлат бошқаруви органлари тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги ПФ-3358-сонли Фармонида белгиланганидек, республика давлат бошқаруви органлари жумласига вазирликлар, давлат қўмиталари, қўмиталар, агентликлар, шунингдек улар ҳузурида ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида ташкил этиладиган давлат бошқаруви тузилмалари киради. Юқоридаги республика давлат бошқаруви органларининг жойлардаги тузилмалари қуйи давлат бошқаруви органларини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, туман-

ган моддага асосан мазкур Қонун фуқароларнинг давлат органлари ва муассасаларига амалга оширадиган мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал қилишга оид қоидаларни белгилайди. Шунингдек, ушбу Қонун нормалари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат этиш соҳасидаги муносабатларга ҳам татбиқ этилади (Қонуннинг 3-моддаси). Бироқ ушбу Қонуннинг амал қилиш доираси юқорида назарда тутилган субъектлар билан чекланмайди, балки Конституция ва қонунларнинг устуворлиги тамойилидан келиб чиқиб, жамоат бирлашмалари, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча корхона, муассаса, ташкилотлар учун ҳам амал қиладиган умумий қоидаларни белгилайди.

Шарҳланаётган моддада назарда тутилган «фуқаролар» атамаси нафақат Ўзбекистон Республикасининг фуқароларини, шунингдек чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур Қонун бир томондан — фуқаролар, иккинчи томондан — давлат органлари ва муассасалари ўртасида юзага келадиган мурожаатларни амалга ошириш, кўриб чиқиш ва ҳал қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишга қаратилган қоида ва талабларни назарда тутади.

(Давоми бор).



